



ТАСДИКЛАЙМАН”
ТАТУ Фарғона филиали директори
А.М.Расулов
“ 02 ” 2021 йил

24. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ БОШЛИГИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Бўлим фаолияти ва ходимлар меҳнатини ташкил қилиш;
- Бўлимнинг иш режаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълим ва соғлиқни сақлашга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Хайъат Қарорлари, буйруқлари, ректор буйруқлари ижросини таъминлаш;
 - Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмунини клиник ординаторларга етказиб бориш;
 - Филиал билан корхона, ташкилот, хусусий корхона ва фирмалар ўртасида йўналиш бўйича манфаатли ҳамкорлик шартномаларини тузиш бўйича ректорга таклифлар киритиш;
 - Филиалда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот тайёрлаш ҳамда ректор имзоси билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этиш;
 - Филиал профессор-ўқитувчилари томонидан илмий тадқиқот ишлари натижасида монографиялар, дарсликлар, ўқув, илмий-услубий қўлланмалар ва бошқа адабиётларни замон талаблари даражасида яратиш самарадорлигини ошириш ишларини ташкил қилиш;
 - Клиник ординатурага Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган квота бўйича қабул қилинган клиник ординаторларнинг шахсий йиғма жилдини расмийлаштирилишини назорат қилиш;
 - Клиник ординаторларнинг ўқув жараёнларини шакллантириш, дарс жадвалларини тузилишини назорат қилиш;
 - Клиник ординаторларнинг ўртасида маънавий, маърифий ва маданий тадбирларни тасдиқланган режа асосида амалга оширилишини назорат қилиш;
 - Катта илмий ходим ва мустақил изланувчилар таркибига талабгорлардан ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилинишини ташкил қилиш ва улардан кириш имтихонларини ўтказилишини шакллантириш.
 - Катта илмий ходим ва мустақил изланувчиларнинг диссертация мавзуларини Кенгаш йиғилишларида тасдиқлаш учун киритишни амалга ошириш.
 - Катта илмий ходим ва мустақил изланувчиларнинг номзодлик минимум имтихонларини топширишини ташкил қилиш.
 - Катта илмий ходим ва мустақил изланувчиларга ярим йиллик ва йиллик аттестацияларини ўтказилишини ташкил қилиш.
 - Ёш олимлар кенгаши ишларини мувофиқлаштириб бориш;
 - Филиал директори ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш.
 - Ахборот коммуникация технологияларни пухта билиш;
 - Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

Билиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг таълим ва соғлиқни сақлашга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Хайъат Қарорлари, буйруқлари, ректор буйруқларининг моҳиятини билиши.

Малака талаблари:

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва қўникмаларга;
- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Бўлим йўналиши бўйича камида 3 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар Номи		ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотини нг энг паст даражаси	УМҚТМТ ЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
1946	Бўлим бошлиғи		1229	Б	Олий маълумот	Билимларн инг қўлланиш соҳасига кўра